

Парламент назорати демократик ислохотларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

ЮНЕСКО, Қозоғистон маданият вазири, Туркистон шаҳар ҳокимлиги, Халқаро Турксий ташкилоти ҳамкорлигида Хожа Аҳмад Яссавий ватани бўлмиш Туркистон шаҳрида туркий халқлар амалий санъати фестивали ўтказилди. Унда Ўзбекистон, Туркия, Қозоғистон ва Қирғизистон амалий санъат усталари иштирок этишди.


ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР АМАЛИЙ САНЪАТИ ФЕСТИВАЛИ

Туркистон шаҳрида 3 кун давом этган фестиваль тадбирларида Ўзбекистондан Хоразм вилояти, Хонқа туманидаги «Жайхун» кўғирчоқ театри бадий раҳбари Мансур Кулязов бошчилигидаги делегация иштирок этди. Қўғирчоқнинг асосий экспозиция майдонида ўзбек амалий санъатининг миниатюра-рассомлик, ёғоч ўймакорлиги ва миллий кўғирчоқсозлиги намойиш этилди. Ўзбек қадриятлари, маданият ва санъатини акс эттирадиган ноёб миниатюра асарлари, сомондан ишланган 3D композициялари, ёғоч ўймакорлигининг лавҳ, қутича, қаламдон, баркаш кўринишидаги намуналари, Ашшадароз, Качалполвон, Бичихон кўғирчоқлари фестиваль руҳиятини янада бойитди.

Фестивалда Ўзбекистон делегацияси аъзолари туркий халқлар маданияти, санъати ва адабиётини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун Турксий ташкилотининг махсус совғаси — Хожа Аҳмад Яссавий муҳри акс этган мукофотга сазовор бўлди.

Фестиваль иштирокчилари тадбир давомида тарихий обидаларни зиёрат қилди, ижодий учрашув ва мулоқотлар, давра суҳбатлари уюштирилди. Фестиваль якунида келажакда амалга ошириладиган ижодий ҳамкорлик бўйича келишиб олинди.

Нуруллоҳ ДОСТОН,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.



КУШОН ИМПЕРАТОРИ МУҲРИ ТОПИЛДИ

Шўрчи туманидаги Далварзинтепада иш олиб бораётган археологлар яқинда дунё тарихчиларини ҳайратга соладиган ноёб топилма — қовшарланган балдоқли муҳрга дуч келди. Мутахассислар томонидан бу муҳр Кушон императори Вима Кадфизга тегишли эканлиги аниқланди.

Шўрчи туманидаги Далварзинтепа шаҳристони ўз даврида Кушон империясининг пойтахти бўлган. Буюк салтанат ҳозирги Ўзбекистон ва Тожикистоннинг жанубий сарҳадлари, Афғонистон, Покистон ҳамда Ҳиндистоннинг Панжоб воҳаларини қамраб олган. Тепалиқда ўтган асрнинг иккинчи ярмида Ўзбекистон санъатшунослик экспедицияси аъзолари томонидан қазилма ишлари бошланганди.

1967 йилда бу ердан будда ибодатхонаси ва турли ҳайкаллар топилган бўлса, кейинчалик ўқ-ёйлар, Будданинг боши, фил суягидан тайёрланган шахмат доналари,

Кушон подшоҳлари зарб қилдирган мис тангалар, қимматбаҳо тошлардан ясалган мунчоқлар, кўзгулар, фил суякли тақинчоқлар, соч тўноғичлар қазиб олинган.

— Далварзинтепадан қовшарланган балдоқли муҳр топилгани жаҳон тарихчиларида катта қизиқиш уйғотмоқда, — дейди археолог Баҳодир Тургунов. — Вима Кадфиз кушонлар сулоласи вакили Кужулла Кадфизнинг давомчиси бўлган. Империяга эса ўз даврида Канишка ҳукмдорлик қилган. Манбаларда Канишка император Вима Кадфизнинг ўғли эканлиги қайд қилинган.

Шундан ҳам аёнки, Далварзинтепанинг навбатдаги дурдонаси — император Вима Кадфизнинг муҳри ҳисобланади.

Қарийб эллик гектар майдонни эгаллаган Далварзинтепа ҳудудидаги топилмалар илгари ҳам дунё жамоатчилиги ўртасида катта шов-шувларга сабаб бўлган. Шулардан бири — 1972 йилнинг 25 сентябрида топилган 36 килограммга яқин олтин буюмлардир. Сопол қўзадаги жавоҳир 115 хил тилла буюмлар — куйма ёмблар, гардиш буюмлар, эркак ва аёлларнинг тақинчоқларидан иборат эди. Зебу-зийнатлар орасида фе-руза кўзи ва зарҳал иплардан нафис ишланган маржонлар ҳам бўлган.

Юнон-Бақтрия заргарлик санъатининг нодир намунаси ҳисобланган безакнинг ўртасида афсонавий Гераклнинг бўртма тасвири

туширилган. Атрофида қимматбаҳо тошлар қадалган дурдона нафақат антик дунё санъати, балки бугунги куннинг ҳам нодир топилмалари сирасига кириши билан аҳамиятлидир. Улар Афғонистон, Ҳиндистон ва Покистондаги зебу-зийнатларга ўхшаса-да, Ўзбекистоннинг жанубий ҳудуди — Сурхон воҳасида яшаган халқлар томонидан тайёрлангани шубҳасиз.

Жаҳонда доврў қозongan жавоҳиротларнинг аксарияти 1995 йилда Парижнинг «Гранд-Пале» саройида ташкил қилинган галерея иштирокчиларини мафтун этган бўлса, 1998 йилда Япониянинг Нара шаҳрида ўтказилган халқаро кўргазмада ҳам муваффақиятли намойиш этилган.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Спорт

Хоразмда дзюдо бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. Мусобақа Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ҳамда дзюдо федерацияси томонидан ташкил этилди. Унда 300 нафардан ортиқ спортчи ғолиблик учун курашди.

ДЗЮДО: Кучлилар сараланди

Эркаклар ўртасида Акмалжон Нажмиддинов, Яхё Имомов, Шерали Жўраев, Ихтиёр Холмуродов, Дониёр Султонбоев, Шахром Аҳмадов ва Умид Абдуллаев ўз вазн тоифаларида олтин медалга сазовор бўлди. Хотин-қизлар баҳсларида Шохиста Назарова, Гулнур Муродбоева, Зухраҳон Маъмуржонова, Дилдора Шерматова, Ҳожинисо Камолитдинова, Кумуш Йўлдошева ҳамда Раҳима Йўлдошева Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритди. Айнан улар бўлажак халқаро турнирларда мамлакатимиз шарафини ҳимоя этишади.

КУРАШ: Ўзбекистон кубоги беллашувлари

Навоийда кураш бўйича 1997-1998 йилларда туғилган ёшлар ўртасида Ўзбекистон кубоги мусобақалари ўтказилди. Чемпионат мамлакатимиз кураш федерацияси ҳамда Навоий вилоят ҳокимлиги томонидан ташкил этилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 200 нафардан ортиқ спортчи иштирок этди.

Шахзод Қодиров, Шердор Тошботиров, Шахбоз Комилов (Навоий вилояти), Жонибек Қозоқов, Исмоил Каримов (Самарқанд вилояти), Ойбек Усмонов (Андижон вилояти), Маҳмадўст Маҳмадиев (Бухоро вилояти), Шербек Абдуқуллов (Қашқадарё вилояти) ҳамда Аъзам Максудалиев (Сурхондарё вилояти) олтин медалга сазовор бўлди. Қизлар ўртасида Маржона Бобоқандова, Дилноза Камолова (Навоий вилояти), Моҳинур Мўминова (Сурхондарё вилояти), Ойсулу Абдумажидова (Андижон вилояти), Кумуш Хўжаева (Тошкент шаҳри), Моҳинур Пирназарова (Фарғона вилояти), Насиба Йўлдошева (Хоразм вилояти) биринчи ўринни эгаллади.

Чемпионатда умумжамоа ҳисобида Навоий вилояти жамоаси ғолиб бўлди. Сурхондарё вилояти курашчилари иккинчи, Самарқанд вилояти жамоаси учинчи ўринга сазовор бўлди.

Шахбоз САИДОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Реклама



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги «Электромагнит мослашув маркази» давлат унитар корхонаси огоҳлантиради:

Республика ҳудудига рухсатномасиз ва сертификатсиз олиб кирилган ҳамда сотувда бўлган ва ишлатилаётган радиоэлектрон алоқа воситалари (узок масофали радиоузайтиргичлар, радиостанциялар ва бошқа радиоузатгич воситалари) ўрнатилган тартибда мусодара қилинади ва уларни олиб киришни амалга оширган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилади.

Радиоэлектрон алоқа воситаларини республика ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома олиш ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш масалалари бўйича Электромагнит мослашув маркази ва унинг вилоят бўлиномаларига мурожаат қилинг.

Бизнинг манзиллар:

Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 22-уй, блок «В», телефон: 202-61-71, 230-61-13.
Андижон шаҳри, Чўлпон шох кўчаси, 5-уй, 49-хона, телефон: 230-64-65.
Бухоро шаҳри, академик И. Мўминов кўчаси, 2-уй, телефон: 230-64-66.
Жиззах шаҳри, Халқлар дўстлиги шох кўчаси, АТС-4 биноси, телефон: 230-64-68.
Нукус шаҳри, Ерناзар Алақоз кўчаси, ШАТС биноси, телефон: 230-64-75.
Қарши шаҳри, 2-микрорайон, 43-уй, 62-хона, телефон: 230-64-78.
Навоий шаҳри, Амир Темур кўчаси, 4-уй, 802-хона, телефон: 230-64-69.

Наманган шаҳри, Марғилон кўчаси, 8-«А» уй, 2-корпус, 54-хона, телефон: 230-64-72.
Самарқанд тумани, Ўрташиқ қишлоғи, Радио шаҳарча, телефон: 230-64-80.
Термиз шаҳри, Ат-Термизий кўчаси, 28-уй, телефон: 230-64-79.
Гулистон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 54-уй, телефон: 230-64-67.
Фарғона шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 37-«Г» уй, 36-хона, телефон: 230-64-74.
Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 108-уй, 23-хона телефон: 230-64-77.

ЗАВОД «KRANTAS»

производит и реализует под заказ:



ГАРАНТИЯ 1 ГОД

- Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м³.
- Водовозы — 4, 8, 12 м³.
- Вахтовые автобусы 4x4 — 22 мест, 6x6 — 26 мест.
- Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м³.
- Кислотовозы — 6, 8, 10 м³.
- Автогудронаторы — 6, 8 м³.
- Полуприцепы: бензовоз, самосвалный, бортовой, контейнеровоз.

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtkran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

MUASSIS:



О'ЗБЕКИСТОН
ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Saidkamol XODJAYEV

Muslihidin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — 233-47-80

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,

Matbuotchilar

ko'chasi, 32-uy.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1138

8806

naxsada

bosildi.

Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 00:25

Topshirilgan vaqti — 00:25

Navbatchi:

Alisher RO'ZIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433

7772010743004

1 2 3 5 6